

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ БД-5510100-3.21  
2016йил “09 ” 01



**ПСИХИАТРИЯ ВА НАРКОЛОГИЯ. ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соаси:	100000-	Гуманитар соҳа;
	500000-	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот.
Таълим соаси:	110000-	Педагогика;
	510000-	Соғлиқни сақлаш.
Таълим йўналиши:	5510100-	Даволаш иши;
	5111000-	Касб таълими (5510100-Даволаш иши);
	5510300-	Тиббий профилактика иши;
	5510800-	харбий тиббиёт.

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22 ” 01 даги “ 26 ”-сонли буйруғининг 2 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “09 ” 01 даги 1 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

Ашурев З.Ш.

- ТТА, “психиатрия ва наркология” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;

Ядгарова Н.Ф.

- ТТА, “психиатрия ва наркология” кафедраси катта ўқитувчи

### **Тақризчилар:**

Алимов У.Х.

- ТошВМОИ, “психиатрия ва психотерапия” кафедраси мудири, т. ф. д., профессор;

Ходжаева Н.И.

- ТТА психиатрия ва наркология кафедраси профессори, т. ф. д.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгashiда кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015йил “23 ” 12 даги 5-сонли баённома).

## **КИРИШ**

Психиатрия ва наркология, тиббий психология – беморнинг руҳий фаолиятининг қонуниятларларини, шахсиятининг тизмини ва руҳий бузилишларда даволовчи таъсирини ўрганувчи фандир. Руҳий касаликларни, умумий психопатология – руҳий бузилишларда симптом ва синдромларни ўрганувчи; ва руҳий касалликларни этиопатогенез, кечиши ва прогноз қонуниятларини ўрганувчи хусусий психиатрияга шартли тарзда бўлиш мумкин. Бўлажак шифокор стоматологлар олдида турувчи асосий амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, уларга ўз фаолиятларида руҳий касалликларнинг даволов – ташхис ва ташкилий муаммолари билан маълум ҳажмда тўқнаш келишга тўғри келади.

## **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – аҳолини руҳий соғломлигини ўрганиш, даволаш профилактика чора тадбирларини аниқ ташкил этиш ва шу билан бирга руҳий касалликларнинг вақтида олдини олиш ва беморларни ижтимоий тиклаш (реабилитация килиш) хамда ишга мослаштириш чораларини ташкил қилишда амалий қўнималарни эгаллашдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- Руҳий беморлар билан мулоқот қила олиш қўнималарини ўрганиш ва мукаммаллаш;
- деонтологиянинг асосий принципларини қўллай олишни билиш;
- руҳий ва наркологик касалликларда асосий симптом ва синдромларни аниқлай билиш, руҳий статусни тўғри баҳолай олиш, қиёсий ташхис, инструментал текширувлардан ўтиш ва ўз вақтида тўғри яқуний ташхис қўйиш, хамда адекват даво буюриш мақсадида мутахасисга (психиатр, нарколог) йўлланма ёзиш;
- руҳий ва наркологик касалликларни ташхислашни тўғри квалификация қила олиш;

- руҳий ва наркологик касалликларда врачгача бўлган шошилинч холатларда тўғри ёрдам кўрсата олиш;
  - психофармакотерапия ва психотерапиянинг (рационал ва аутотренинг) асосий принципларини билиш;
  - руҳий ва наркологик bemorlarни бирламчи ва иккиламчи профилактикасини амалга оширишни ўрганиш;
  - руҳий статусни тўғри баҳолай олиш ва мутахасисга йўлланма тўлдира олиш, руҳий bemorlarни амбулатор, шароитида хужжатларни тўғри юритишни ўрганиш;
  - диспансеризация гурӯхларни тўғри аниқлаш ва ўз вақтида диспансеризация ўтказиш ўргатиш.
- 

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Психиатрия ва наркология, тиббий психология” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- этика ва деонтологиянинг асосий принциплари, асосий тарқалган руҳий касалликларнинг этиопатогенези, клиникаси, кечуви ва прогнози, психофармакотерапия ва психотерапиянинг асосий принциплари, психопрофилактика асосий принциплари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
- соматик ва руҳий bemorlarда руҳий патологияни аниқлашни, дифференциал ва дастлабки(синдромал) ташҳис қўйиш, асосий психопатологик синдромларни аниқлаш (астеноневротик, психопатсимон, депрессив, маниакал, васваса – галлюцинатор, онгнинг йўқолиши, онгнинг қоронғилашуви, деменция ва олигофрения, абстинент синдром, тутқаноқ ва эпилептик статус) хақида умумий билимлар *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

- руҳий bemорлар ва уларнинг қариндошлари билан сұхбат ва сўров ўтказиши, тиббий хужжатлар ва мутахассис психиатрга берилган йўлланмаларда руҳий статусни ёзишни **билиши ва фойдалана олишини билиши**;
  - психомотор қўзгалишда (маниакал, кататоник, гебефреник, дисфорик, галлюцинатор, эпилептик), суицидал ҳаракатлар, овқатдан бош тортиш, онг хиралашуви ва абстиненция синдромида шошилинч ёрдам кўрсатишида **амалий қўникмаларга эга бўлиши керак**;
  - стационар даводан сўнг, рационал психотерапия ва аутотренинг усулларни қўллай олиш каби **малакаларига эга бўлиши керак**.
- 

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Психиатрия ва наркология, тиббий психология фани тиббий фан ҳисобланади. Дастанурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган тибиий-илмий (тиббий биология ва генетика, одам анатомияси, биофизика, нормал физиология, психология, ички касалликлар, асад касалликлар, клиник фармакология) фанлардан етарли билим ва қўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Психиатрия ва наркология, тиббий психология фани умумий амалиёт шифокорида тиббий билимлар қўшимчасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. У жарроҳлик, терапия ва бошқа фанлар билан биргалиқда организм тўғрисида яхлит маълумот бериш, шу билан бирга талабада клиник фикр юритишни ривожланишини таъминлайди.

## **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг психиатрия ва наркология, тиббий психология фанини ўзлаштиришлари учун таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим ахамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллар хамда видеотизимлардан фойдаланилади.

Фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган амалий машғулотларда талабаларда клиник фикрлаш кўнилмаларини шакллантириш имконини берувчи ақлий хужум, қора қути, ўргимчак ини, кластер, амалий ва дидактик ўйинлар, кейс стадия, компьютер дастурлари (LITE, EXTeLS дастурлари)дан гурухли фикрлаш учун тармоқли интернет тизимларидан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **“Психиатрия ва наркология” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Фаннинг мазмуни. Психиатрия ва наркология, тиббий психология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Психиатрия ва наркология фанининг тиббиётда ўрни. Фаннинг предмети ва обьекти. Фаннинг методи ва унинг элементлари. “психиатрия ва наркология, тиббий психология” фанида умумий ва хусусий методларнинг қўлланилиши. Фаннинг “Терапия”, “Жарроҳлик”, “Клиник фармакология” ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

## **Психиатрия ва наркология, тиббий психология фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари**

Психиатрия ва наркология, тиббий психология фанининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни. Психиатрия ва наркологиянинг мақсад ва вазифалари. Психиатрия ва наркология фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва улар ўртасидаги фарқлар.

### **Идрок ва сезги бузилишлари. Тафаккур ва унинг бузилишлари**

Фанинг қисқача тарихи, вазифалари, назарий ва амалий тиббиётда тутган ўрни. Фанинг бошқа тиббий фанлар тараққиётидаги роли. Ўзбекистонда психиатрия ва наркология тизимининг яратилиши. Психиатрия – одам рухияти ҳақидаги фандир. Руҳий фаолият тизими. Хусусий ва умумий доира бузилишлари. Билиш соҳаси. Сезги бузилишлари – гипер ва гипоестезия, анестезия, парестезия, сенестопатия. Идрок бузилишлари: иллюзиялар, галлюцинациялар, психосенсор бузилишлар. Галлюцинация турлари – кўрув, эшитув, тактил, хид билиш ва таъм), чин ва сохта галлюцинациялар ва б. Иллюзиялар – реал мавжуд булган нарсаларни нотўғри идрок этиш бўлиб улар қўйидаги турларга бўлинади: физиологик, физик ва патологик. Психосенсор бузилишлар (метаморфопсиялар) – атроф мухитда бор буюмларнинг хажми, шақли, уларни бир бирига бўлаган масофаларни идрок этишни бузилиши. Тафаккур – дунёни акс эттиришнинг олий формаси, вокеликни умумлашган холда билишдан иборат булиб, унда сўз, нутқ энг муҳим ахамиятга эга бўлади. Тафаккур жараён сифатида анализ ва синтез, қиёслаш ва умумлаштириш, абстракция ва конкретлаштириш йўли билан ташки олам ходисаларини билишдан иборатдир, кейин тушунчалар хосил бўлишига утилади. Фикрлаш қобилятининг бузилишидан келиб чиқадиган аломатлар тўрт гурухга бўлинади: 1. Тезлиги бўйича –

таксифрения, брадифрения, ментизм, шперрунг. 2. Хусусиятлари (сифатлари) бўйича – персеверация, маҳмадоналиқ (резонерлик), ўта (патологик) эзмалик, узук-юлуқлик, инкогерент фикрлаш турлари.

3. Мантиқ бўйича – бузилишига васвасалар киради. Ундан ташкари, васвасаларнинг ўзи – бирламчи (систематик, интерпретатив, параноял, ақлий) ва иккиламчи васвасаларга бўлинади. 4. Алоҳида ўрин олган шилқим гоялар(холатлар) га бўлинади.

### **Хотира, Диққат, интеллект патологияси.**

#### **Синдромлари. Олигофрения**

Хотира руҳий холатнинг асосий ва мураккаб кисмини ташкил этади. Маълумки, одам туғилган соатидан то сўнгги нафасигача доимий ташки мухитнинг таъсирида бўлади. Кузатишлардан олинган, ўқилган ва эшитилган маълумотлар ёки киши шохид бўлган хархил ходисалар одамнинг онгидага маълумот сифатида сақланиб қолади. Шу сақланиб қолган маълумотларнинг хаммаси хотира деб аталади. Хотира шартли равишда уч кисмга булинади:

1. Эслаб қолиш (фиксация). 2. Уларни узок муддат ичида сақлаш (retenция) қобилияти. 3. Кайтадан эслаш, ёддан билиш (репродукция). Хотиранинг бузилиши натижасида уч туркум аломатлар кузатилади.

1. Дисмnestик. 2. Амнестик. 3. Парамнестик холатлар. Корсаков амнестик синдроми кузатилади. Диққат – Психик фаолиятнинг муайян йўналишда бўлиши, одам онгининг предметлар ва ходисаларни саралаб идрок этишга каратилганлиги Диққат деб аталади. Диққатнинг сусайиши Диққатсизликда намоен булади. Диққатсизликнинг биринчи типи Диққатнинг кам интенсивлиги билан белгиланадиган паришенхотирлик хисобланади. Диққатсизликнинг иккинчи типи ичдан йуналтириб туриладиган Диққатнинг юкори интенсивлиги ва кийин кучиши билан белгиланади. Диққатни текширишда корректура методи ва Щульте таблицаси кенг қўлланилади. Ақл (интеллект) фаолиятининг бузилиши. Улар икки катта гурухга бўлинган: биринчиси –

олигофрения - туғма ақл норасолиги (етишмовчилиги) турлари: енгил - дебил, ўрта – имбецил, оғир – идиот. Иккинчиси эса - деменция тотал ва парциаль ортирилган ақл заифликидир. Иккала холат ақлнинг патологияси натижасида келиб чикишига карамасдан улар бир-бирларидан анча фарқланади.

### **Хиссиёт, ирода ва мақсадли фаолият патологияси.**

#### **Синдромлари. Онг ва унинг бузилишлари**

Хиссиёт – ирода ва мақсадга қаратилган фаолият. Меёр ва патология: маниакал, депрессив, дисфорик ва апатико-абулик синдромлар. Ирода ва майл. Гипо- ва гипербулия, абулия, ирода ва майлнинг ўзгаришлари: нерв анорексияси, суицидал тенденциялар, жинсий бузилишлар. Хиссиётнинг бузилиш турларига қуйидагилар киради: эйфория - кайфиятнинг күтарилиши, ўта роҳатланиб мазза қилишлик. Хиссиётнинг юмшоқланиши-кўнгилнинг бўшлиги. Хиссиётнинг заифлиги, дисфория, хавотир, вахима, кўркув, паратимия турлари киради. Депрессив, маниакал ва дисфорик синдромлар кузатилади. Ирода – мақсадга йўналтирилган онгли жараёндир. Гипо, гипер, абулия ва парабулия турларига бўлинади. Гипо, гипер ва акенизиялар. Ступор ва қўзғалишлар кузатилади. Онг, тиниқ онг мезонлари. Онг йўқолиши синдромлари: карахтлик, сопор, кома. Онг қоронғилашуви синдромлари: делирий, онейроид, онгнинг номозшомсимон бузилиши, аменция. Асосий психопатологик синдромлар.

### **Шизофрениянинг клиникаси, динамикаси, прогнози.**

#### **Психогениялар, психопатиялар**

Шизофрения. Тушунчаси, асосий клиник шақллари: оддий, параноид, гебефреник, кататоник. Шизофрениянинг кечувчи типлари: узлуксиз кечувчи, хуружсимон-прогредиент, даврий (реккурент). Шизофреник нуқсон хақида

тушунча. Шифокор фаолиятида шизофрения билан касалланган беморларга шахсий-индивидуал ёндошишни қўллай билиш.

Психопатиялар. Тушунчаси, таснифи. Компенсация, декомпенсация. Прогнози ва олдини олиш. Шифокор фаолиятида бу касалликларда bemorlarغا шахсий-индивидуал ёндошишни қўллай билиш.

### **Невроз. Реактив холатлар**

Неврозлар. Невроз турлари ва шакллари. Неврозсимон бузилишлар, шахснинг невротик ривожланишидаги дифференциал ташҳислаш.

Аффектив-шок реакциялар, реактив депрессия, реактив параноид, истерик психозлар (псевдодеменция, пуэрилизм, истерик онгнинг намозшомсимон хиралашуви).

### **Алкоголизм, наркомания ва токсикомакния**

Алкоголизм. Этиопатогенез, касаллик ривожланиш босқичлари бўйича клиникаси. Прогоз. Алкоголизм профилактикаси. Алкогол психозлар олдини олиш («оқ алахлаш», алкоголь галлюцинози, параноиди, Корсаков психози).

Гиёхвандлик ва токсикомания. Тушунчаси, клиникаси, ташҳисий мезонлари. Прогноз, профилактика. Шифокор фаолиятида бу bemorlarغا шахсий-индивидуал ёндошишни аҳамияти.

### **Эпилепсия, бош мия травмаларида руҳий бузилишлар**

Эпилепсия касаллиги, тушунчаси, эпидемиологияси. Эпилепсияли bemorlar характеридаги эпилептоид белгилар. Шахснинг қутбий белгилари. Эпилепсияни таснифи, клиникаси. Тутқаноқ ҳуружлари – катта тутқаноқ ҳуружи ва унинг фазалари. Эпилептик статус. Руҳий эквивалентлари. Эпилептик статусни бартараф этиш. Эпилепсия ва эпилептиформ

синдромлар шифокор амалиётида.

Бош мия травмаларида рухий бузилишлар. Травматик касаллик босқичларига кўра рухий бузилишлар умумий тавсиф. Бошланғич (энг ўткир, «хаотик»), ўткир, кечки ва узоқлашган. Бошланғич ва ўткир даврининг клиник тавсифи. Онг бузилишлари, амнезия, аффектив бузилишлар, эпилептиформ холатлар, вегетатив қон-томир ва неврологик симптомлар. Ўткир аффектив ва галлюцинатор васвасали психозлар. Корсаков синдроми. Узоқлашган даврда рухий бузилишлар: церебрастеник, энцефалопатик, эпилептиформ холатлар. Кечки травматик психозлар: шахс психопатизацияси, психоорганик синдром, органик лакунар деменция. Ташхис. Прогноз. Шифокор фаолиятида bemorларга шахсий-индивидуал ёндошишни қўллай билиш.

### **Соматик ва эндокрин касалликларда рухий бузилишлар. Юқумли касалликлардаги, рухий бузилишлар**

Соматоген табиатли рухий бузилишлар. Улар неврозсимон бузилишлар - астеник синдром шаклида ва хиссий бузилишлар билан (депрессия, хавотир, қўрқув, қўзғалувчанлик, эйфория), шунингдек, турли даражадаги онг бузилишлари (карахтлик, аменция, делирий, сопор, кома), эпилептиформ қўзғалиш билан онгнинг хира шира холати шаклида намоён бўлади.

### **Инволюцион ёшдаги рухий бузилишлар. Кексалик ёшидаги рухий бузилишлар. Сенил психозлар**

Кечки давр рухий касалликлари инволюцион функционал (қайтувчи), яъни ақлий заифликка олиб келмайдиган психозларга ва қарилик психозлари, бош миядаги деструктив жараён фонида юзага келувчи ва интеллектнинг қўпол бузилишлари билан кечувчи касалликларга бўлинади. Инволюцион психозларга инволюцион депрессия (меланхолия)

ва инволюцион параноид киради. Инволюцион психозларнинг ривожланиши ва юзага келишида шахснинг ўзига хос тузилиши - ригидлик, турли рухий травмаловчи холатларга берилувчанлик, ундан олдинги соматик касалликлар ахамиятга эга. Инволюцион психозлар аёлларда одатда, менопаузадан сўнг (климактерия), яъни организмдаги гормонал қайта кўрилишдан сўнг ривожланади.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Психиатрия ва наркология, тиббий психологиянинг предмети ва вазифалари. Психиатрия хизматини ташкил илиш. Сезги ва идрок патологияси ва синдромлари.
- Тафаккур патологияси ва синдромлари.
- Хотира, диққат, интеллект патологияси ва синдромлари
- Хиссиёт-ирода ва майл доираси, ихтиёрий фаолият патологияси ва синдромлари
- Онг ва ўзликни англаш. Онгнинг асосий хусусиятлари ва даражалари. Онг бузилишлари ва синдромлари.
- Шахс муаммолари. Психопатиялар.
- Невроз. Реактив психозлар.
- Шизофрения. Клиника, кечиши, оибати.
- Эпилепсия касаллиги. Бош мия жароҳатларида рухий бузилишлар.
- Алкоголизм, наркомания, токсикомания.
- Сенил ва пресенил психозлар.
- Неврозлар, невротик бузилишлар нозология ва оғирлиги, профессионал кўрув ва коммуникатив амалий кўникмалар, рухий статусни ёритиш ва мутахасисга йўлланма
- Толиқувчанлик. Истерик ва бошқа невротик реакциялар, реактив олатлар. Хул атвор бўзилишлари. Психопатияларнинг декомпенсастияси. Профессионал кўрув, амалий кўникмалар, рухий статусни ёритиш ва мутахасисга юлланма

- Кайфият бузилишлари. Депрессия. Хавотирли холатлар. Депрессия холатларнинг нозологияси ва огиригини иёсий ташхис. Суистидал харакатларда УАШ тактикаси. Уйу бузилишлари ва уларнинг мезонлари. Аутотренинг, растионал психотерапия
- Ўткир алкогол интоксикастияси. ПАВларга арамлик синдроми. Ўткир алкогол интоксикастиясининг оирлик даражалари. Маиший ичкилиkbозлик. ПАВларга арамлик синдромида УАШ тактикаси.
- он томир генезли ва ёшга доир неврозсимон, психопатсимон синдромлар. он томир ва ёшга доир рухий бузилишларда иёсий ташхис. Климактерик неврозсимон бузилишлар. Инволюсион ёшда рухий бузилишлар. арилик ёшида психоорганик бузилишлар. Профессионал кўрув, амалий кўникма, рухий статусни ёритиш ва мутахасисга йўлланма
- Соматик генезли неврозсимон, психопатсимон синдромлар. Тиббиётда психосоматика. Соматик касалликларда рухий бузилишлар. УАШ киёсий ташхиси ва тактикаси
- Шизофрения УАШ амбулатор шароитда. Неврозсимон ва психопатсимон шизофренияни дебют ва ремиссияда киёсий ташхис. Бирламчи ва иккиламчи психопрофилактика. Психофармакотерапия асослари. УзР психиатрик ёрдам хакида конуни. Онгни психотик ва нопсихотик даражада хиралашув синдромлари. Онг бузилишлари. Ўткирлиги. Диагностика мезонлари. Нозологик хусусиятлари. Асоратлари. Тактика УАШ. Параклиник усуллар, патопсихологик эксперимент, психиатрик экспертизанинг асослари
- Эпилепсия ва эпилептиформ синдромлар. Тахминий ташхис. Рухий бузилиш эквивалентлари, эпилептик психозлар, сурункали рухий бузилишлар, эпи- тип бўйича шахс патоллогияси, Олигофрения. Тахминий ташхис
- Шошилинч ҳолатлар. Кўникмаларни эгаллаш, шошилинч психиатрик

ёрдам бўйича мустақил даволаш тадбирларини бажариш

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича талабаларга берилган мавзулар бўйича касаллик тарихи ёзма ишини текшириш. Уларга тақриз ёзиш ва назорат остига олиш.

### **Амалий кўникмалар рўйхати**

- Идрок бузилишини аниқлашнинг қадам ва қадам амалий кўникма
- “Тўртингчиси ортиқча” қадамба қадам амалий кўникма.
- А.р. Лурияning “10 та сўзни ёд олинг” синамасини қадамба қадам текшириш усули
- “Шульте жадвали” бўйича қадамба қадам амалий кўникма
- Люшер тести – қадамба қадам амалий кўникма
- Онг ўчишининг қадамба қадам амалий кўникма
- Паник атакалар ва вегетатив кризларда амалий кїнникмалар
- Психомотор қўзғалишда қадамба-қадам амалий кўникма

- Эпилептик тутқаноқдаги қадамба қадам амалий күнікма
- Эпилептик статусда қадамба қадам амалий күнікма
- ПАВга қарамлик объектив белгиларини аниқлаш қадамба қадамамалый күнікма
- Оғир алкогол захарланишда қадамба қадам амалий күнікма.
- “ Рухий холатни миниамал бағоловчи тест ” (шкала MMSE)
- Паник атакалар ва вегетатив кризларда амалий күнікмалар
- Психомотор қўзғалишда қадамба-қадам амалий күнікма
- Эпилептик тутқаноқдаги қадамба қадам амалий күнікма
- Эпилептик статусда қадамба қадам амалий күнікма
- ПАВга қарамлик объектив белгиларини аниқлаш қадамба қадам амалий күнікма
- Оғир алкогол захарланишда қадамба қадам амалий күнікма.
- Онгнинг делириоз бузилишида қадамба қадам амалий күнікма
- Эпилептик тутқаноқда қадамба қадам амалий күнікма
- Маниакал синдромда хиссиёт доирасининг бузилишларини диагностикасининг қадамба-қадам бажариш
- Ўткир қон-томир генезли психозни бартараф этиш қадамба-қадам амалий күнікмалари
- Депрессив ажитацияда қадамба-қадам амалий күнікмаси
- Суицидал харакатлар профилактикасида қадамба-қадам амалий күнікмаси
- Психомотор қўзғалишни бартараф этишда қадамба-қадам амалий күнікмалари.
- Хавотирли ажитациядаги bemорни кузатувини ташкиллаштиришда ва транспортировкасида қадамба-қадам амалий күнікмалар.
- Нейролептик синдромни даволашда қадамба-қадам амалий күнікмалари.

- Эпилептик статусдаги беморга тиббий ёрдамни кўрсатишда қадамба-қадам амалий кўнималари
- Пав га (психоактив восита) мойилликнинг объектив аломатларини кўздан кечириш ва беморларнинг руҳий статусини баҳолаш.
- Абстинент (хумор тутиш) синдромни даволашда қадамба-қадам амалий кўнималар.
- 

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қўйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишининг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Янги авлод нейролептикларни қўллаш ва туларнинг турлари.

2. ОИТС рухий бузилишлар
3. Туғрукдан кейинги психозларни диф. диагностикаси ва тактика
4. Суицидлар .
5. Аёллар алкоголизми
6. Ўсмир ёшларда алкоголизм.
7. Компьютер қарамлик
8. Алкоголизм ва наркоманияни замонавий даволаш усуллари
9. Алкоголизм ва наркоманияни профилактикаси
- 10.Наша қабул қилган беморларда психозлар
- 11.Опийли наркомания абстинент синдромида диагностика ва даволаш
- 12.Эпилептиформ синдромлар.
- 13.Шизофренияни носпесифик даволаш усуллари.
- 14.Шизофренияда хиссиёт – ирода фаолияти бузилишлари.
- 15.Токсикомания.
- 16.Шахс акцентуацияси, меёр ва патология
- 17.Шахснинг патохарактерологик ривожланиши.
- 18.Психопатиялар.
- 19.Психопатсимон синдромлар
- 20.Инволюцион психозлар
- 21.Инфекцион касаллиқда рухий бузилишлар
- 22.Бош мия сифилисида рухий бузилишлар
- 23.Кон томир касаллигига рухий бузилишлар
- 24.Болалар аутизми
- 25.Психиатрик ёрдамни ташкил қилиш
- 26.Алцгеймер касаллиги
- 27.Шизофрения касаллигига реабилитация
- 28.Ақлий заифликнинг дифференциал диагностикаси
- 29.Позитив синдромлар диагностикаси
- 30.Пик касаллиги
- 31.Геронтопсихиатрия

- 32.Негатив синдромлар диагностикаси
- 33.Инволюцион психозлар
- 34.Инфекцион касаллиқда рухий бузилишлар.
- 35.Соматик касалликларда психоорганик синдромларни қўрсатинг
- 36.Суицидлар.
- 37.Алкогол психозлари
- 38.Ўсмир ёшларда алкоголизм
- 39.Акоголизм ва наркоманияни замонавий даволаш усуллари
- 40.Шошилинч холатлар
- 41.Харбий шароитдаги рухий бузилишлар
- 42.Харбий шароитда реактив холатлар
- 43.Харбий тиббий экспертиза
- 44.Захарланишларда тез тиббий ёрдам

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- психиатрия ва наркология, тиббий психология фани ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза дарсларида модуль тизимиға асосланган электрон мажмуудан;
- амалий машғулотларда, хусусан, психиатрия ва наркология, тиббий психология фаолиятида стандартлар ва амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- Ўзбекистон Республикасида психиатрия ва наркология, тиббий психология амалиёти масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ходжаева Н.И., Шоюсупова А.У. “Психиатрия” Т.1995 й
2. Ходжаева Н.И., Шоюсупова А.У. “Психиатрия” Т.2011 й
3. Убодуллаев У Педагогика психологияси. Т.2008 й.
4. Убодуллаев У Тиббиёт психологияси. Т.2009 й.
5. Убодуллаев З Тиббиёт психологияси. Т.2012 й.
6. Коркина М.В. Учебник по психиатрии 2007г

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Авруцкий Г.Я. “Лечение психических больных”. Москва. Медицина 1981
2. Леонгард К. “Акцентуированные личности” Пер с нем. Киев. Виша школа 1981 й.
3. Самохвалов Б.Н. Учебник по психиатрии 2006г
4. Снежневский А. В. (под ред.) “Руководство по психиатрии”. Т.1,2. 1983 й.
5. Снежневский А. В. (под ред.) “Справочник по психиатрии”. Москва 1985
6. Тиганов А.С. Учебник по психиатрии 2006г

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.ziёnet.uz;](http://www.ziёnet.uz)
2. [www.lex.uz;](http://www.lex.uz)
3. [www.bilim.uz.](http://www.bilim.uz)
4. [www.info@minzdrav.uz](mailto:www.info@minzdrav.uz)
5. [www.info@tma.uz](mailto:www.info@tma.uz)

